

## Фиқҳ дарслари (138-дарс). Намоз вақтлари



16:00 / 27.05.2021 4619

3. Асрнинг вақти ўшандан қуёш ботгунча.

Аср намози вақтининг кириши ҳар бир нарсанинг сояси ўзига икки баробар бўлгандан то қуёш ботгунча.

Бу ҳукмнинг далили ҳам Жаброил алайҳиссаломнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга намоз ўқиб ўргатганликлари ҳақидаги ҳадис.

4. Шомники ундан то шафақ ғойиб бўлгунча. У қизғишлиқдир ва бунга фатво берилгандир.

Имом Муслим Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан қилган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Модомики шафақ ғойиб бўлмаса, шомнинг вақти бор», деганлар.

Жаброил алайҳиссалом Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга намознинг вақтларини кўрсатганлиги ҳақидаги ҳадисда: «Сўнгра шомни қуёш ботиб, рўзадор ифтор қиладиган пайтда ўқиди. Сўнгра хуфтонни шафақ ғойиб бўлганда ўқиди», дейилган. Демак, шом намозининг вақти ушбу икки вақт орасида бўлади.

هَلَلِ الصَّالِحِينَ وَالْمُسْرَرِ لَيْسَ: لَأَقُوهُنَّ أَصَاغِلًا نَبْوَرْمَعِ نَبِ هَلَلِ الذَّبَعِ نَعْنَعِ  
تَبَاعِ إِذَابِ رُغْمِ لِهَالِ صُتُقُ وَوِ «: لَأَقُفِ تَأَوَّلِ صِلَا تُقُ وَوِ عَمَلِ سَوِ هِي لِعِ  
يِرَاخُ بَلَا أَلِةَ سَمَّ خُلَا هَا وِر. «قَفَّ شَلْ أَطُقُ سَيَ مَلِ أَمُ سَمَّ شَلَا

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намозлар вақти ҳақида сўралди. Бас, у зот:

«...Шом намозининг вақти қуёш ғойиб бўлгандан шафақ тушгунча», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

5. Хуфтон ва ундан кейин витр - иккиси ҳам мазкур вақтдан то фажргачадир.

«Мазкур вақтдан» дегани шом намозининг вақти тугагандан кейиндан бошлаб, деганидир.

Жаброил алайҳиссалом Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга намознинг вақтларини кўрсатганлиги ҳақидаги ҳадисда «Сўнгра хуфтонни шафақ ғойиб бўлганда ўқиди», дейилган.

Бунда хуфтоннинг аввалги вақтида ўқилгани ҳақида сўз бормоқда. Охирги вақти эса бомдоднинг вақти киргунча давом этаверади. Бунда хуфтон билан бирга витр намозининг вақти бир хил.

Бомдодни субҳ оқарганда бошлаш мустаҳабдир. Токи қирқ оятни тартил қилишга ва таҳорати йўқлиги зоҳир бўлиб қолса, яна қайтаришга имкон бўлсин.

Яъни, бомдод намозини ўқишни тонг оқариб қолганда бошлаш мустаҳабдир. Бу вақтни шундай тартибга солиш керакки, намозни ният

қилиб, зам сурага қирқ оятни шошилмай, тартил билан ўқиб бўлгандан кейин ҳам таҳоратсиз одам таҳорат қилиб келиб, намозни янгитдан бошлаб, яна қирқ оятни тартил қилиб, намозини тугатгунча қуёш чиқмайдиган бўлиши лозим.

***«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди***